O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 23 июль, № 144-145 (4554-4555) Чоршанба

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 июль куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ричард Норландни қабул қилди.**



Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини, 2007 йилнинг ноябрь ойида юртимизда иш бошлаган АҚШ элчиси ўтган давр мобайнида Ўзбекистондаги ҳаёт билан яқиндан танишганини таъкидлади.

— Сиз Ўзбекистондаги ҳақиқий вазият ҳақида АҚШга бошқа турли манбалардан етиб борадиган ахборотлардан фарқли бўлган материаллар тўплаш имконига эга бўлдингиз, — деди Ислом Каримов. — Бу ўзаро ишончли ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омилдир.

Р. Норланд самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади. Икки томонлама ҳамкорлик бундан кейин ҳам ўзаро манфаатдорлик асосида босқичма-босқич тараққий этишига ишонч билдирди. Унинг фикрича, айни пайтда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик, шу жумладан, Афғонистонни тиклаш билан боғлиқ масалаларда ҳамкорликни ривожлантириш муҳим. Шу билан бирга, Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, гуманитар соҳадаги қўшма лойиҳаларни ижро этиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги алоқаларни давом эттириш керак.

Учрашувда икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 25040 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 49600 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 25040 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 49600 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 30040 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ-3972-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 21 июль

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ 22 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди.*

# КУВАЙТ ДАВЛАТИ АМИРИ ҲАСТИМОМНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

Ҳазрати Имом мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Юртбошимиз ташаббуси билан ушбу қутлуғ қадамжода кенг кўламли таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Олий мартабали меҳмон зиёратни Ҳазрати Имом жомеъ масжиди билан танишувдан бошлади. Ушбу масжид Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида яратилган лойиҳа асосида 2007 йили бунёд этилган.

Кувайт Давлати Амири XVI асрда бунёд этилган нодир тарихий обида — Мўйи муборак мадрасасида бўлди. Ўтган йили мадраса биноси тубдан қайта таъмирланиб, Усмон Мусҳафи музейига айлантирилди.

Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ бу ерда муқаддас Қуръоннинг энг нодир қўлёзмасини кўздан кечирди. Маълумки, ушбу мўътабар масканда халифа Усмон даврида (644-656) кийик терисига кўчирилган қадимий Қуръони Карим (Усмон Мусҳафи) сақланмоқда.

Олий мартабали меҳмон ушбу ноёб тарихий меъморий обидалар ўзида катта таассурот қолдирганини эътироф этаркан, Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодлар меросини тиклаш ва янада бойитишга алоҳида эътибор қаратилаётганини, улуғ аллома ва азиз авлиёларнинг муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшлар онг-шуурига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ мажмуанинг мўътабар меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

**(ЎзА).**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА КУВАЙТ ДАВЛАТИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларининг таклифига биноан Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ҳазрати Олийлари 2008 йил 21-23 июль кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Ташриф доирасида икки давлат ўртасида бўлиб ўтган расмий учрашув чоғида Ўзбекистон томонига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари ва Кувайт томонига Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ҳазрати Олийлари раҳбарлик қилди.

Дўстона, ўзаро ҳамкорлик ва англашув руҳида бўлиб ўтган расмий музокараларда давлатлараро алоқалар юзасидан фикр алмашилди. Уларнинг ҳозирги ҳолатидан қониқиш ҳосил қилиниб, икки дўст мамлакат ва халқлар манфаатига хизмат қилувчи муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўллари муҳокама қилинди.

Томонлар савдо-иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжудлигини қайд этдилар. Мазкур соҳалар бўйича ҳамкорликни ҳозирги сиёсий алоқалар даражасига кўтаришга, шу жумладан, Кувайтнинг Ўзбекистондаги инвестицияларини ҳамда икки давлат ўртасида ўзаро савдо-сотиқнинг барча шаклларини қўллаб-қувватлашга келишиб олдилар. Шунингдек, Ўзбекистон-Кувайт ишбилармонлари ва хўжалик субъектлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ҳамда икки давлат манфаатларига хизмат қилувчи фаолиятни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон томони Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармасининг икки давлат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон томони Кувайт Давлатининг Тошкент Ислом университетининг янги биноси қурилиши учун беш миллион АҚШ доллари миқдоридаги ва Ўзбекистондаги 50 та мактабни компьютер билан жиҳозлаш учун берадиган беғараз ёрдамини мамнуният билан қабул қилди.

Томонлар Ўзбекистон ва Кувайт халқлари ўртасидаги тарихий, маданий ва диний яқинликдан келиб чиқиб, ислом маданияти ва илмий меросини сақлаш ва ўрганиш алоҳида аҳамиятга моликлигини қайд этдилар. Икки давлатнинг улкан тарихий, маданий ва диний мероси, уларнинг мусулмон дунёсидаги ўрни ва ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини инобатга олиб, томонлар бағрикенг ва маърифатпарвар исломни тарғиб қилишда ҳамкорликни давом эттириш зарур, деб ҳисоблайдилар ва исломофобиянинг ҳар қандай кўринишини ҳамда терроризм ва экстремизмни ислом билан боғлаб кўрсатишга уринишни қоралайдилар.

Ташриф давомида томонлар ўртасида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

— Икки давлат ўртасида қўшма қўмита тузиш тўғрисида битим;

— Икки давлат ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик битими;

— Икки давлат ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик битими;

— Икки давлат ўртасида атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик англашув меморандуми;

— Икки давлат ўртасида нефть ва газ соҳасида ҳамкорлик англашув меморандуми;

— Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Кувайт инвестиция агентлиги ўртасида англашув протоколи;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия бўлимини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича кредит шартномаси.

Халқаро майдондаги сиёсий муаммоларни муҳокама этиш давомида ҳозирги вазият юзасидан фикр алмашиб, томонларнинг нуқтаи назари мос эканлигини қайд этдилар. Шунингдек, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида Яқин Шарқ ва Марказий Осиё минтақаларида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, терроризм ва унинг турли хил кўринишларига қарши кураш каби икки томон мавқеи ўхшаш ёки яқин бўлган муаммолар юзасидан ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олинди.

Кувайт Амири Ҳазрати Олийлари кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун Ўзбекистон Республикаси халқи ва ҳукуматига миннатдорчилик билдирди. Кувайт Давлати раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларини Кувайтга расмий ташриф буюришга таклиф этди. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Ташриф санаси дипломатик каналлар орқали келишиб олинади.

2008 йил 21 июль
Тошкент шаҳрида қабул қилинди.

# ТАИЛАНД ДЕЛЕГАЦИЯСИ — ЎЗБЕКИСТОНДА

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Таиланд Қироллиги Ташқи ишлар вазирлиги доимий котибининг ўринбосари Чариват Сантапутра раҳбарлигидаги делегация аъзолари 22 июль куни Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов билан учрашди.*

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўплаб жабҳаларда, жумладан, иқтисодиёт, маданият, фан-таълим, спорт ва сайёҳлик каби кўплаб соҳаларда ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар, изчил давом этаётган хусусийлаштириш жараёни кўплаб давлатлар қатори Таиланд ишбилармонларининг ҳам юртимиз билан ҳамкорликка эътиборини тобора кучайтираётгани қайд этилди.

— Ўзбекистон — иқтисодиёти барқарор ривожланаётган мамлакат, — деди Ч. Сантапутра. — Ташриф асносида мамлакатингиз барча соҳаларда жадал тараққий этаётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Таиланд делегацияси аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, Кураш халқаро ассоциациясида ҳам музокара ўтказдилар. Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейида бўлдилар.

**(ЎзА).**

# ИННОВАЦИЯ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

***Ҳар бир мамлакатнинг қудратини белгиловчи ўзига хос омиллар бўлади. Ишлаб чиқариш барқарор йўлга қўйилган, иқтисодий илдизи бақувват ана шундай ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, уларнинг муҳим жиҳатларини ўзлаштириш эса Ўзбекистондек мустаҳкам ривожланиш йўли бор юртимизни янада тараққий эттириш учун ниҳоятда муҳим саналади.***

▼ **Мушоҳада**

Бунда, айниқса, ишлаб чиқаришга илғор инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Мутахассисларнинг фикрича, инновация, илмий-техника фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш — келажакда энг катта фойда келтирадиган инвестициядир. Шу мақсадда мамлакатимизда ҳам бу йўналишда кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Муҳими, ушбу янгиланишлар амалда ўз самарасини бераяпти. Бинобарин, илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда реал иқтисодиёт тармоқлари ўртасида узвий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани айни муддао бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

**Чет эл матбуот нашрлари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритишда давом этмоқда.**

▼ **Дунё нигоҳи**

Кореяда инглиз тилида чоп этиладиган нуфузли **«The Korea Post» журнали** «Ўзбекистон матбуотни эркинлаштириш йўлида дадил одимламоқда» сарлавҳали мақолани эълон қилди. Унинг муаллифи – журнал президент-ношири Ли Кёнг-сик бўлиб, у жорий йил 9-10 июнь кунлари Тошкентда ўтказилган «Замонавий демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари эркинлиги» мавзуидаги халқаро семинарда иштирок этган эди.

«Ўзбекистон матбуот эркинлигини таъминлаш борасида муҳим қадамлар ташламоқда — Тошкентга дунёнинг йигирмадан ортиқ мамлакатидан келган 70 дан зиёд журналист ҳамда ОАВ соҳасидаги етакчи экспертлар ана шундай фикрга келди, — деб ёзилади мақолада. — Эътиборлиси, барча маърузачилар ўртага қўйилган масала борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ ва эркин тарзда баён этдилар».

Муаллиф анжуманнинг айрим иштирокчилари, жумладан, Кембриж форуми раиси Сиддхарт Саксенанинг (Буюк Британия) фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтган, «Ўзбекистон том маънодаги фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишнинг тўғри стратегиясини танлаб олган. Шу боис, назаримда, сўз эркинлигига биз Ўзбекистонда кўриб турган ёндашув оқилона ёндашувдир», дейди британиялик эксперт.

АҚШнинг Янги демократиялар институти ваколатхонаси директори Мьюша Север хоним «Миллий хавфсизлик, шахснинг дахлсизлик ҳуқуқи ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш ўртасида мувозанатни сақлаш жуда муҳимдир. Мен сўнгги йилларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолиятида кўплаб ижобий ўзгаришлар юз бераётганига гувоҳ бўлдим. Улар давлат тузилмаларининг янада яхши ишлашига кўмаклашмоқдалар. Шу билан бирга, ОАВ ва давлат тузилмаларининг матбуот хизматлари ўртасида яқин алоқаларни ўрнатиш зарур», дейди.

(Давоми 2-бетда).

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Жиддий зарар етказди

***Жорий йилнинг 2 майида юз берган "Наргис" тўфони Мьянма давлати иқтисодиётига жиддий зарар етказганди.***



БМТ ва АСЕАН ташкилотлари томонидан тайёрланган маърузада келтирилишича, тўфон келтирган талафотларни бартараф этиш учун камида уч йил муддат ва бир миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ керак бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра, табиий офат мамлакат иқтисодиётига тўрт миллиард доллар миқдорида зарар етказган. Тўфон вақтида 84 минг нафарга яқин фуқаро ҳалок бўлган ва яна 54 минг киши бедарак йўқолган деб ҳисобланмоқда. Шунингдек, 450 мингта бино бутунлай йўқ бўлиб кетган бўлса, 350 та тураржойга жиддий зиён етган. Ҳозир мамлакатдаги тиббиёт муассасаларининг 75 фоизида тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти мавжуд эмас. Тўрт мингта мактаб биноси деярли харобага айланиб қолган.

## Норозилик билдиришмоқда

***Сенегал давлатининг "Sud FM", "Radio Futurs Medias" радиостанциялари ва "Le Populaire", "L"Observateur", "Le Quotidien" ва "Sud Quotidien" каби етакчи газеталари жамоалари оммавий иш ташлаш эълон қилишди.***




"AFP"нинг хабар беришича, иш ташлашга маҳаллий полиция вакилларининг журналистларга бўлган аёвсиз муносабатлари сабаб бўлди.

Эслатиб ўтамиз, 20 июнь куни полициячилар Сенегал-Либерия терма жамоалари ўртасидаги футбол учрашуви вақтида икки нафар журналистни уриб, жиддий тан жароҳати етказишганди. Улардан бири йигирма кундан сўнг шифохонада вафот этган. Шундан сўнг деярли бутун мамлакат бўйлаб полицияга қарши оммавий норозиликлар авж олиб кетди.

## Молиявий аҳвол яхши эмас

***АҚШдаги йирик банклардан бири — "Bank of America" молиявий инқироз ёқасига келиб қолди, деб ёзади "BBC News".***

Жорий йилнинг иккинчи чорагида банк даромадларида 41 фоиз йўқотиш кузатилган. Бу 3,41 миллиард АҚШ доллари бой берилди, деганидир. Кузатувчиларнинг фикрича, ушбу банкнинг молиявий кўрсаткичлари 2007 йилдан буён салбий томонга ўзгармоқда.

Мутахассислар "Bank of America"даги йўқотишларни тураржой бозоридаги савдоларда ишлари юришмаётганига боғлашмоқда.

## Энг тежамкор компьютер

***Бугунги кунда дунёдаги етакчи компаниялар ўртасида электр энергиясини кам сарфлайдиган техникалар яратиш бўйича рақобат бормоқда десак, муболаға бўлмайди.***



Бундан "CherryPal" компанияси ҳам четда тургани йўқ, албатта. Яқинда корхона мутахассислари электр энергиясини жуда кам сарфлайдиган компьютер яратишга муваффақ бўлишди. "CherryPal C100" русумли мўъжаз компьютернинг оғирлиги бор-йўғи 300 грамм. У икки ватт энергияда бемалол ишлай олади.

Одатдаги компьютерлардаги барча имкониятларни ўзида мужассам этган "CherryPal C100"нинг нархи 249 доллар қилиб белгиланди. Тежамкор компьютерлар шу ойнинг охирида сотувга чиқарилади.

## Шаҳар марказида портлаш

***Кобул шаҳри марказий кўчаларидан бирида камикадзе ўзини портлатиб юборган.***

Маҳаллий полиция матбуот котиби Али Шоҳ Пактивалнинг айтишича, портлаш содир бўлган жойда ҳарбий кучларга тегишли ҳеч қандай техника жабр кўрмаган. Камикадзе йўналишларга қатнайдиган автобуслардан бирининг ёнида портловчи қурилмани ҳаракатлантирган.

Натижада уч киши ҳалок бўлган ва бир одам жиддий тан жароҳати олган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ИСТЕЪДОД, БИЛИМ ВА ТАФАККУР

## бизни дунё эътирофига сазовор этди

***Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида биз — ёш авлод таълимига катта эътибор қаратилди. Айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар таҳсинга лойиқ.***



Бу саъй-ҳаракатлар пировард натижада биз ёшларнинг дунё миқёсидаги турли беллашув ва мусобақаларда фаол иштирок этиб, катта зафарлар қучишимизга асос бўлмоқда. Жумладан, шу йил 14-20 июль кунлари Испания пойтахти Мадридда ўтказилган 49-халқаро математика олимпиадасида жаҳоннинг 97 давлатидан келган 535 ўқувчи қаторида мен иштирокчи бўлган мамлакатимиз жамоаси ҳам муваффақиятли қатнашди ва шу жараёнда терма жамоамизнинг олти аъзосидан тўрт нафари бронза медалга, икки нафари 49-халқаро олимпиаданинг фахрий дипломига сазовор бўлди.

Мазкур олимпиадада Хитой, Россия, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва бошқа ривожланган давлатлардан вакиллар иштирок этди. Бу жаҳонаро илму баҳсда яна бир карра ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, ҳатто, бошқалардан ҳар томонлама устун эканлигимизни исботладик. Испаниядаги турли вазирлик ва идоралар мутасаддилари мамлакатимиз таълим тизимидаги ислоҳотлар билан танишишар экан, бу ишлар ёшлар истиқболи йўлида амалга оширилаётганлигига тан беришди.

**Ифтихор**

Биз бу жараёнда ҳам эътибор ва ғамхўрликни тўла ҳис этиб турдик. Юртбошимизнинг "Ҳеч қачон бўш келманглар, болаларим, эртанги кун бизники, марра бизники!" дея билдирган юксак ишончлари, шубҳасиз, ана шундай муваффақиятга эришишимизга катта туртки бўлди.

Мусобақалардан кейин барчамиз Мадрид шаҳрини айландик. Баҳайбат иморатлар, гавжум кўчаларни кўрдик. Лекин дунёда Ўзбекистондек серқуёш юрт, унинг элидек одамохун кишилар йўқлигига яна бир бора ишонч ҳосил қилдик. Шунда пойтахтга қайтишимиз билан бош майдонимиз — Мустақиллик майдони, Эзгулик аркасини зиёрат этишни аҳд қилиб қўйдик.

Юртимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг аҳамияти шундаки, туманимиздаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатдан шу кунгача халқаро олимпиадаларда 39 ўқувчи қатнашган ва уларнинг 21 нафари ғолиблик шоҳсупаларини эгаллаган.

Ҳа, биз ҳар қанча фахрлансак арзийди. Негаки биз озод ва обод юртда, ҳукуматимизнинг улкан ғамхўрлиги остида вояга етаяпмиз, илм олаяпмиз. Дунёдаги манаман деган мамлакат ёшлари билан бақамти туриб баҳслашаяпмиз ва ғолиб келаяпмиз. Бу туйғу бизни янги зафарларга илҳомлантириши, шубҳасиз.

**Шерзод САФОЕВ,**
**Қоракўл туманидаги 2-мактаб ўқувчиси, 49-халқаро математика олимпиадаси бронза медали соҳиби.**

**В. ГРАНКИН олган сурат.**

# ИҚТИДОРГА ҚАНОТ, БОЛАГА МЕҲР КЕРАК

***Фарзандларимиз улуғ мақсад, орзу-умидлар билан бошлаган ишларимизнинг давомчилари. Шундай экан, уларни ҳаётнинг пасту баланд, ўнқир-чўнқир сўқмоқларидан етаклаб, тўғри ва ойдин йўлга солмоқ, жамият ишига жонкуяр, фидойи инсонлар қилиб вояга етказмоқ шу азиз Ватаннинг тақдирини ўйлайдиган ҳар бир киши зиммасига катта вазифалар юклайди.***

Шуни таъкидлаш жоизки, бу масъулиятли, долзарб вазифаларнинг ижобий ечим топишида ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан, Андижон вилояти прокуратураси ва унинг жойлардаги идораларида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Андижон шаҳрида турли миллатга мансуб 352 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 143 минг нафари ёки 41 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик, тинч-тотувлик сингари инсон номини шарафловчи фазилатларни тарбиялаш мақсадида шаҳар прокуратураси ҳузурида вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи идоралараро мувофиқлаштирув маркази ташкил этилган. Марказнинг асосий вазифаси ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи идора ва ташкилотларнинг соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий билимларини оширишдан иборатдир.

Халқимизда минг бор эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган нақл бор. Прокуратура масаланинг ана шу нозик жиҳатини ҳисобга олиб, ёшлар ўртасида турли кўрик-танловлар, тадбирлар ўтказилишида бош-қош бўлмоқда. Жумладан, Андижон давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицейда мунтазам равишда давра суҳбатлари ўтказилаётир. Ҳамкорлик ришталари бора-бора турли кўрик-танловларга қанот бўлди. Чунончи, ўқувчилар 2006 йили «Конституция — бахтимиз қомуси» танловида биринчи, 2007 йилда эса «Сиз қонунни биласизми?» деб номланган кўрикнинг республика босқичида учинчи ўринни қўлга киритди.

Энди томир отиб, япроқ ёзаётган ниҳол парваришга муҳтож бўлишидан ташқари, эгилувчан, мўрт бўлади. Ўсмир ҳам шундай. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, прокуратура ҳамкорликда иш ташкил этгач, мактабга ўқишга келмай қўйган, бозорларда ўралашиб юрган, боқувчисидан айрилиб боши берк кўчага кириб қолганлар сони кескин камайди. Спорт мажмуалари, майдонлар болакайлар билан тўлди. Саломатлиги яхшиланди.

— 12-ихтисослашган махсус мактаб-интернатнинг ҳолати ўрганилганда, — дея ҳикоя қилади шаҳар прокурори Бекмуҳаммад Аҳмадалиев, — ўқув жиҳозларининг бир қисми эскириб, фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолгани ойдинлашди. Хоналар қишда совуқ, бунинг устига, яхши ёритилмаслиги маълум бўлди. Тиббий жиҳозларнинг эса муддати ўтиб кетган. Мактаб ошхонасида ҳам ачинарли ҳолат юзага келган. Махсус дарсликлар, бадиий адабиётлар етишмайди. Бу каби камчиликлар хусусида мутасадди ташкилотларга тақдимномалар киритилди, таклифлар билдирилди. Буларнинг самараси ўлароқ, 48 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Ногирон болалар шароити тубдан яхшиланди. Айни кунларда болалар кенг ва ёруғ хоналарда ўқимоқда. Кутубхона адабиётлар билан тўлди. Тиббиёт хонасига замонавий асбоб-ускуналар келтирилди.

**Назорат**

Шундан кейин эътибор яна бир маскан — «Меҳрибонлик уйи» ҳамда мактаб-интернатларга қаратилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаганлар ҳисобга олинди. Уларнинг билим олишлари, яшашлари учун шарт-шароит тубдан яхшиланмоқда.

Нотинч оилаларда жанжал жабрини норасида гўдаклар, болалар тортади. Асака туманидаги Кужгон қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қайрағоч маҳалласида истиқомат қилувчи Обиджон Ботиров оталик бурчини ичкиликка алмаштиргач, оилада кўп нохушликлар келиб чиқди. Аввало, унинг умр йўлдоши Манзурахонга жабр бўлди. Тўрт нафар ўғил-қизнинг ётарида ҳам, турарида ҳам ҳаловат йўқолди.

Бундай дамларда, турган гапки, бола ўз уйидан безиб қолади. Кўчага чиқиб кетгиси келади. Ва яна эс-ҳуши жойида бўлган ўсмир оилани тебратишга ожизлик қилаётган отасининг нуқсонини ёпиш, онасига ёрдам бериш учун бозорга ёхуд унча-мунча пул топиш мумкин бўлган жойларга ўзини уради.

Асака тумани прокуратураси масъуллари вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари билан ҳамкорликда масаланинг ана шундай нозик томонларига эътибор қаратмоқдалар.

— Оталик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётганларга, бурчини унутганларга жазо тайинлашдан осони йўқ, — дейди Асака тумани прокурори Акмалжон Каримов. — Лекин оила бутлиги, муқаддаслиги-чи? Ота-онанинг фарзандга бўлган меҳрини, болаларнинг катталарга ҳурматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди-ку. Фарзандлари тарбиясидан ўзини олиб қочган 32 нафар шахсга нисбатан чора кўрилди. 97 нафар ўқувчи қадрдон мактабига — ўқишга қайтарилди. Кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида чорва ҳайвонлари сотиб олишлари учун кредит ажратилишида ёрдам кўрсатилди. Вояга етмаган саккиз нафар ўқувчига 16 ёшга тўлгунига қадар нафақа тайинланди. 4 нафар ота-она ишга жойлаштирилди.

Юқоридаги рақамлар ҳали кўп иш қилиниши зарурлигини кўрсатиб турибди. Ёшлар тарбиясида ота-она, мактаб қатори, маҳалла оқсоқоллари, қолаверса, кенг жамоатчилик етакчи куч эканини яна бир бор таъкидламоқ ўринли бўлади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**Республика Кўчмас мулк биржаси**
**Андижон вилояти филиали**

**нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Андижон вилояти хўжалик судининг 2006 йил 1 августдаги 17-0602-4765-сонли ижро варақасига асосан, Асака шаҳри СИБ томонидан савдога қўйилган Асака шаҳри, Шаҳрихон кўчаси, 49-«А» уйда жойлашган, умумий қурилиш майдони — 951,83 кв.м., А-литерли, 13 хонадан иборат цех, А1-литерли 2 хонали қоровулхона, Б-литерли 5 хонадан иборат хизмат хонаси, Б1-литерли айвон, В-литерли 2 хонали ёрдамчи бино, В-литерли темир бостирма, темир дарвоза, 75 дона «СР» русумли механик қўлқоп тикиш дастгоҳи, 31 дона қўлқоп тикиш дастгоҳи, 2 дона оверлог дастгоҳи, 28 дона «MGF-F7 L/M» русумли авто қўлқоп тикиш дастгоҳи, 3 дона «DCR-942» русумли оверлог, 20 дона «SMG F7» русумли автомат қўлқоп тикиш дастгоҳи қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 383 611 501 сўм.*

Аукцион савдоси 2008 йил 26 август куни соат 11.00 да Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан Асака шаҳри СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО 00069, ИНН 200933850.

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86.**

1196Н/1111 ***Лицензия DB 001 № 000004.***

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**
**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Наманган вилояти хўжалик судининг тегишли ижро ҳужжатларига асосан, Наманган шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, «Ёшлар» спорт мажмуаси ҳудудида жойлашган «Боулинг» биноси ҳамда бинога ўрнатилган жиҳоз ва ускуналар қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 700 792 558 сўм.*

Аукцион савдоси 2008 йил 12 август куни соат 11.00 да Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уйда ўтказилади.

Савдога қўйилган мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг Наманган вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000600571452072, АТИБ «Ипотекабанк»и Наманган бўлими, МФО 00223, ИНН 200933850.

**Қўшимча маълумот учун телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01.**

**Лицензия: DB 001 № 000004.**



**ООО «Росагропромснаб» предлагает:**

**СЧЕТЧИКИ ГАЗА** ультразвуковые «Гобой-1»

**СЧЕТЧИКИ ГАЗА** вихревые СВГ.М




На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на поставляемую продукцию – 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л 6, д. 2 (Ор-р – метро «М. Улугбек»)
Товар сертифицирован. Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

**ТАШКИЛОТ СОТАДИ**

**KIA Spectra**



**19 500 $**

Тўлов нақд пулда.
Етказиб бериш муддати— икки ҳафта.
Божхона тўловлари баҳога киритилган.

Буюртма бўйича

**Т. 140-00-61/62, 110-41-43, 317-67-97.**


***Каттақўрғонлик ижодкор Инатилла Рустамов 77 ёшда велосипедда минг километрдан зиёд йўл босиб, Каттақўрғондан Андижонга бориб келди.***

## Юртим манзаралари йўлга чорлади

— Ўттиз йилдан буён велосипедда юраман, — дейди Инатилла ака. — Тетиклигим боиси ҳам шунда. Рости, Андижон сафарида чарчаганим йўқ. Йўл-йўлакай Ватан манзараларини томоша қилиш вужудимга куч-қувват, қалбимга илҳом бағишлади. Водийнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида ажойиб одамлар, юраги элга муҳаббат билан лиммо-лим инсонлар, ижодкорлар билан учрашдим, ўзимга тенгдош отахонлар билан суҳбат қурдим. Истиқлол йилларида амалга оширилган ижобий ўзгаришларни ўз кўзим билан кўриб, дилим яйради.

**А. САТТОРОВ.**


SONATA

**Ўз йўлингни танла!**

Drive your way



**КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.** МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

EURO2008 HYUNDAI Official Partner **Tel. 250-11-11**


Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси Қашқадарё тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати директори **Муҳиддин АСТОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси криминалистика кафедраси доценти Роҳила Алимовага ўғли, информатика кафедрасининг катта ўқитувчиси **Шуҳрат АЛИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика дезинфекция станцияси жамоаси Бухоро вилояти дезинфекция станцияси бош врачи Мустақим Ниёзовга волидаи муҳтарамаси **МУКАРРАМ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Капиталбанк» АТБ жамоаси банкнинг маъмурий департаменти директори Абдулҳай Расуловга ўғли **Абдурашид РАСУЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси фармация кафедраси доценти Гулмира Юсуповага онаси **ДИЛБАР аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

